



Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши сессиясининг

БАЁННОМАСИ

« 24 » январь 20 17 йил

20 - сон

Фарғона шахри

Вилоятдан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари	-	5 нафар
Вилоят Кенгаши депутатлари	-	56 нафар
Сессияда иштирок этган депутатлар	-	52 нафар (рўйхат бўйича)
Сессияга таклиф этилганлар	-	246- нафар (рўйхат бўйича)
Сессияда иштирок этди	-	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У.Розиқулов
Сессияда раислик қилувчи	-	Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатлик гуруҳи раҳбари Р.Камолов
Сессия котиби	-	50-Яйпан сайлов округидан сайланган депутат Х.Қурбонов .

Кун тартибида:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 25¹-моддасига ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Регламентига мувофиқ Фарғона вилоятини 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари юзасидан вилоят ҳокимининг ҳисоботини тинглаш.

Сессия регламенти: ҳисобот учун 30 минут, сўзга чиқувчилар учун 15 минут, савол ва жавоблар учун 3 минут.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг йигирманчи сессиясида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг регламентига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ ушбу Регламентнинг 60⁸-моддасига асосан, ҳокимнинг ҳисоботини эшитишда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги рақобатдош сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари раҳбарларининг келишувига асосан сессияга Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатлик гуруҳи раҳбари **Камалов Раҳматулло Ибрагимович**га раислик қилиш топширилди ва депутатлар томонидан билдирилган муносабатларига кўра тасдиқланди.

Регламентининг 60³-моддасига мувофиқ, ҳокимлик аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан ҳисоботга доир маълумотлар вилоят ҳокимининг

ҳисоботи доир масалани сессияга киритишга масъул этиб белгиланган вилоят Кенгашининг “Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари” доимий комиссиясига тақдим этилган.

Ҳоким ҳисоботи бўйича материалларни умумлаштириш учун мазкур доимий комиссия томонидан тегишли соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда ишчи гуруҳи ҳам ташкил этилган.

Масъул доимий комиссия томонидан ҳоким ҳисоботи билан танишиш учун арча доимий комиссиялар, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларига етказилган ва улар вилоят Кенгаши доимий комиссиялари ҳамда партия гуруҳларида муҳокама қилинди ҳамда сессия кун тартибига тавсия этилган.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши регламентининг янги VII¹ бобига мувофиқ, вилоят ҳокимининг вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботиини тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан эшитиш тартиби сессия раиси томонидан ўқиб чиқилди.

1. Тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддаси, “Маҳаллий ҳокимият тўғрисида”ги Қонунининг 25¹-моддасига ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Регламентига мувофиқ Фарғона вилоятини 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари юзасидан вилоят ҳокими **Ғаниев Шухрат Мадаминович**нинг ҳисоботи.

Қарор қилинди:

Қарор лойиҳаси бир овоздан қабул қилинди.(илова қилинади)

(Овоз бердилар: ёқлаб 52 нафар, қаршилар йўқ, бетарафлар йўқ.)

Музокара учун вилоят Кенгашининг “Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари” доимий комиссияси раиси раисининг **Зоҳидов Файзулла Тошпўлатович** сўзга чиқди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши регламентининг 60¹²-моддасига асосан, вилоят ҳокимининг ҳисоботини муҳокама қилиш яқунлари бўйича, шунингдек доимий комиссия хулосаси ва партия гуруҳлари фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарори қабул қилинди ва қарорда вилоят ҳокими Ш.Ғаниев ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раисининг самарадорлиги **қониқарли деб** баҳоланди ва депутатлар томонидан бир овоздан муносабат билдирилди.

Сессиясига раислик қилувчи

Р.Қамолов

Сессия котиби

Х.Қурбонов